

**Фарғона Минтакавий Йўлларга Буюртмачи Хизмати Давлат Унитар Корхонаси** (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан, амалдаги Низомига асосан фаолият юритувчи корхона директори Ш.Пўлатов бир тарафдан ва **Фарғона туман йўллардан фойдаланиши унитар корхонаси** (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан, амалдаги Низомга асосан фаолият юритувчи директори А.Зикрияев иккинчи тарафдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5048-сонли карорига мувофиқ "Обод қишлоқ" ва "Обод махалла" дастурлари доирасида Фарғона вилоятидаги ички хўжалик йўлларини Республика бюджети маблағлари хисобидан жорий таъмирлаш ишлари бўйича мазкур Шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

### 1. ТАРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қўйидаги тарифлар кўлланилади:

**ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул килиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**курилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилаб билан белгилаб қўйилади;

**вактинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг хар бир босқичи ва/ёки турлари кийматини аниқ белгиланган холда шартнома бўйича обьектнинг умумий кийматини босқичларга тақсимлаш (ишларни бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

### 2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5048-сонли карорига мувофиқ "Обод қишлоқ" ва "Обод махалла" дастурлари доирасида Фарғона вилоятидаги ички хўжалик йўлларини Республика бюджети маблағлари хисобидан жорий таъмирлаш ишлари "Буюртмачи" топширигига асосан **Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Беглар МФЙ Беглар кўчаси 0,350 км ички йўлларини жорий таъмирлаш** ишларини лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган холда бажариш мажбуриятини олади, "Буюртмачи" эса "Пудратчи"га ишларни қабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

- 3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган умумий ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда **52 857 376** (Эллик икки миллион саккиз юз эллик етти минг уч юз етимиш олти) сўмни ташкил этади.

3.2. Тегишли асослар мавжуд бўлганда Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### 4. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартларига мувофиқ топшириш;

- зарур холларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиха-смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмдан фойдаланиши, белгиланган сифат лабораторияси хulosasi асосида амалга оширилиши мумкин;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

- шартнома шартларига асосан обьектни буюртмачига тасдиқланган лойихага мувофиқ топширади;

- Пудратчи Буюртмачи олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади.

4.2. "Пудратчи" мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур

тарзда бажарилиши хамда обьектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун "Буюртмачи" олдида тулиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хакда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

4.4. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз хисобидан қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 3.3-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **5. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- "Пудратчи"ни ўз вактида лойиха-смета хужжатлари билан таъминлайди;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажариш учун объектни ишлар тугаллагунгача бўлган даврда далолатнома бўйича "Пудратчи"га беради;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган "Пудратчи" томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат килиш, "Пудратчи"дан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлашни амалга оширади;

- ушбу шартномада назарда тутилган муддатда ва микдорда "Пудратчи"га хақ тўлайди;

- "Пудратчи"нинг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикади.

## **6. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.**

6.1. "Буюртмачи" ушбу шартномага асосан "Пудратчи"нинг хисоб ракамига шартномада кўрсатилган қийматнинг 30%гача микдорида 2-иловага асосан аванс маблагини ўтказади.

6.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилганидан кейин берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 70% микдорида амалга оширилади. 5 фоизлик объект кафолат муддати тугагандан сўнг молиялаштирилади.

6.3. "Пудратчи"нинг бошқа харажатлари лойиха-смета хужжатларида кўрсатилган бошқа харажатлар қийматидан ошмаган холда тўловга қабул килинади.

6.4. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хуқукини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## **7. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

7.1. Пудратчи мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

7.2. "Буюртмачи" қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторини тайинлайди. У "Буюртмачи"нинг номидай бажарилаётгай ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади.

## **8. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса, томонлар бундай мажбуриятларни кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўклиги, Пудратчидан зарур пул маблагларининг бўлмаганлиги форс-мафор холатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.3. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар.

8.4. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб қилишга хақлидир.

## **9. КАФОЛАТЛАР.**

9.1. "Пудратчи":

- барча ишларни тўлиқ хажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлади.

9.2. "Пудратчи":

- барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха хужжатларига хамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;

- ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчилик ва нуксонларни ўз вактида бартараф килишни;

- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлади, объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида бир йил этиб белгиланади.

9.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом этириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар "Пудратчи" томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

9.4. Агар "Пудратчи" бажарилган ишлардаги нуксон ва чала ишларни далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда "Буюртмачи" томонидан 5% ли кафолат суммасини "Пудратчи"дан ушлаб қолиш хукукига эга.

9.5. "Пудратчи" нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган такдирда, уларни текшириб чиқиши «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл курилиш ишлари сифатини назорат килиш Давлат инспекцияси» томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктиносий судига мурожаат килишдан истиносо этмайди.

## **10. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбордor Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкacha жавобгарликка тортилади.

10.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрстаилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, объект хисоб ракамига маблаглар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун "Буюртмачи" "Пудратчи"га кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4% микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50% ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши "Буюртмачи"ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

10.3. "Пудратчи" объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун "Буюртмачи"га муддати ўtkазиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50%дан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш "Пудратчи"ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

10.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда "Буюртмачи" «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл курилиш ишлари сифатини назорат килиш Давлат инспекцияси»нинг холосаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун хак тўлашдан бош тортиши, шунингдек "Пудратчи"дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 100% гача микдорида жарима ундириш хукукига эга.

## **11. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ.**

11.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида, белгиланган тартибда Иктиносий Суд томонидан кўриб чиқилади.

## **12. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

### **12.1. Буюртмачи:**

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда;-ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

### **12.2. Пудратчи:**

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

12.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган қурилиш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлум коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбордor томон иккинchi томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

### 13. ШАРТНОМАГА КЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

13.1. Ушбу шартномага хар қандай киритилган кўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, хар иккала тараф имзолаган холлардагина хақиқий кучга эга бўлади.

13.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фукаролик кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган заرارларни коплаш билан амалга оширилиши мумкин.

13.3. Шартномани бекор килишга қарор килган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

### 14. МАЖБУРИЯТЛАРНИ АМАЛДА БЎЛИШ ШАРТИ ВА МУДДАТИ.

14.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланганидан сўнг Вилоят Фазначилик Бошкармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганидан кейин конуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабригача амал қилади.

14.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (Икки) нусхада тузилди.

14.3. Мазкур шартномага куйидагилар илова қилинади:

- 1-илова - Бажариш жадвали.
- 2-илова - Молиялаштириш жадвали.

### 14. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

#### “БУЮРТМАЧИ”

Фарғона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси

Манзил: Фарғона ш. Аэропорт кўчаси 1-ўй

Тел./факс: +99873-249-50-53

ШФХ: 304521860302337045990118156

ИНН: 304 899 935

Фарғона вилояти Фазначилик бошкармаси

ЯФХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошкармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲҚҚМ)

МФО: 00014 Газначилик бўлинмасининг

СТИР: 201 122 919

Буюртмачи раҳбари

М.У.

Буюртмачи раҳбари

Ш.Пўлатов

#### “ПУДРАТЧИ”

Фарғона туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси

Манзил: Фарғона шахар Мустакиллик кўчаси №350 Г ўй

Тел./факс: (0 373) 226 79 99

ИНН: 200 197 217

Банк АТБ Универсалбанк Фарғона филиали

Х/р: 22 626 000 900 210 835 001

МФО: 01131



А.Зикрияев

#### ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги конуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 12.09.2003-йилдаги 395-сонли қарори ва бошқа меъёрий хужжатларга асосланган холда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Буюртмачи юристи  Р.Алимов

Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Беглар МФЙ Беглар  
кўчасини жорий таъмирлаш объектиниң  
сонгли шартномасига 1-ицова

**Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Беглар МФЙ Беглар кўчасини жорий таъмирлаш объектиниң**

**БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ.**

№	Амалга ошириладиган ишлар	Йиллар	Умумий қиймати	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр	Минг сум
															Минг сум
1	Курилиш монтаж ишлари	2022 йил	52 857,376					52 857,376							
	Хаммаси:		52 857,376												





ГРАФИК ФИНАНСИРОВАНИЯ

Республика Бюджет мабтағтары хисобидан

Фаргона ештояты Фаргона шахар Беғлар МФИ Беғлар күчасини жорий таъмирлаш объектининг

Условия финансирования		2022 год												МЛН. СУМ.	
		январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	Всего за 2022 год	2022 год
1	<u>30% аванс</u> от стоимости работ по договору					15,857								15,857	15,857
2	<u>Текущее финансирование выполненных работ с учетом пропорционального удержания выделенного аванса</u>					37,000								37,000	37,000
	<b>ИТОГО</b>					52,857								52,857	52,857
3	<u>Оставшиеся 5%</u> по истечении гарантийного срока														
	<b>ВСЕГО ПО ОБЪЕКТУ</b>					52,857								52,857	52,857

**БУДРАТЧИ****ТУДРАТЧИ**